

БЕРДИЯРОВ Илхом Ҳайруллаевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси
e-mail: ilhomberdiyarov@gmail.com

“АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИДАГИ МУЗОРАБАГА ТЕГИШЛИ БАҲСЛАР

МУДАРАБА В «АЛЬ-ХИДАЯ»: РАЗБОР ВОПРОСОВ

ISSUES RELATED TO MUDARABA IN “AL-HIDAYA”

Аннотация: ушбу мақолада “ал-Ҳидоя” асарида музораба битими хусусида келган масалалар баён қилинган. Асарда берилган маълумотларнинг жамият учун аҳамиятли жиҳатлари очиб берилган. Ундаги баҳсли ҳолатлар ҳақида фақиҳ олимларнинг билдирган фикрлари қиёсланган. Музораба асосида тадбиркорлик қилиш бўйича бугунги кун учун муҳим хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ал-Ҳидоя, музораба, раббул-мол, музориб, фойдани тақсимлаш, битим шартлари

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы, связанные с договором мудараба, которые рассматриваются в классическом труде по исламскому праву «Аль-Хидая». Особое внимание уделяется социально значимым аспектам, представленным в книге. Проводится сравнительный анализ мнений исламских правоведов по спорным вопросам мудараба. На основе проведенного исследования формулируются важные выводы, актуальные для современной предпринимательской деятельности.

Ключевые слова: аль-Хидая, мудараба, раббул-мал, мудариб, распределение прибыли, условия сделки

Annotation: In this article, the issues mentioned in the work “al-Hidaya” regarding the Mudarabah agreement are described. This work revealed the important aspects of the information for the society given in the book. It compares the opinions of Islamic jurist scholars about the disputed cases. On the basis of the discussion, have been formed the important conclusions for today’s entrepreneurship activity.

Keywords: al-Hidaya, Mudarabah, rabbul-mal, mudarib, distribution of profits, terms of the deal

КИРИШ

Бугунги кунда инсонлар орасидаги ўзаро муомалаларда, хусусан молиявий масалаларда музораба шерикчилиги билан боғлиқ муаммолар кўп учрамоқда. Жумладан, сармоя эгаси (раббул-мол) ва иш бошқарувчи (музориб), сармоя, фойда ва зарар тақсимотида тегишли тартиблар, ҳуқуқ ва мажбуриятларларни тўлиқ тушуниб етмаслик натижасида низоли вазиятлар келиб чиқади. Бундай ҳолатларда алломаларимиз қолдирган илмий асарларга мурожаат қилиш аҳамиятли ҳисобланади. Чунки, бу асарларда кишилар ўртасидаги ўзаро молиявий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишга доир масалалар чуқур таҳлил қилинган ва уларнинг ечимлари ҳам баён қилинган. Шунинг учун мазкур манбаларни ўрганиб, улардан бугунги кун учун муҳим бўлган хулосаларни олиш тадқиқочи ва мутахассислар олдида турган вазифалардан ҳисобланади. Ушбу мақолада “ал-Ҳидоя” асарида музораба битими хусусида келган масалалар таҳлил қилинган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Самарқанд фикҳ мактабининг йирик намоёниси имом Бурҳониддин Марғиноний ҳисобланади. Олимнинг тўлиқ исми имом Бурҳониддини Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний бўлиб, милодий 1123 йилда Марғилон шаҳрининг Риштон туманида туғилган [1:101]. Унинг бизгача етиб келган асарлари орасида “ал-Ҳидоя” алломанинг шоҳ асари ҳисобланади. Бу асар Марғинонийнинг “Бидоятул мубтадий” асарига ёзилган ўртача ҳажмдаги шарҳдан иборат.

Асар 4 жилддан иборат бўлиб, “ал-Ҳидоя”ни ёзишни муаллиф ҳижрий 573 йили бошлаган ва бу иш 13 йил давом этган. Мазкур асар бир қанча хорижий тилларга ҳам таржима қилинган. Хусусан, Чарлз Гамильтон уни инглиз тилига таржима қилган, У ўз таржимасига Ғулом Яҳёнинг 1777 йилда Калкуттада чоп этилган форсча таржимасини асос қилиб олган. Гамильтоннинг таржимаси 1791 йилда Лондонда нашр этилган [2:5].

Китобдаги услуб ўзига хос, иборалари қиска, лекин тўлиқ мазмунни ифодалайди, фикҳий ҳукмларни баён этадиган жумлалар

умумий қоида шаклида берилган. Зарурат йўқ ўринларда маънодош сўзларни қўллаш, ортиқча изоҳлар бериш ҳолатлари кузатилмайди. Асарда фикҳий масалалар 55 дан ортиқ китоб, юзлаб боб ва фаслларга ажратилган ҳолда баён қилинган. Имом Марғинович муайян масала бўйича турли мазҳаблардаги фикрларни ҳам келтириб ўтади.

“ал-Ҳидоя” асари таркибидан жой олган Музораба китобидаги масалаларни баён этишда ҳам шундай услуб сезилади.

Музораба китоби таркибидан 1 та боб ва 5 та фасл жой олган. Бобнинг номи “Музорибнинг музораба қилиши” бўлиб, унда музориб сармояни бошқа кишига музораба бериши билан боғлиқ масалалар ёритилган. 1-фасл номланмаган, 2-фасл “Музорабадан чиқиш ва фойдани тақсимлаш” деб номланган. 3-фаслда “Музориб бажарадиган ишлар” ҳақида баён қилинган. 4-фасл ҳам номланмаган, сўнгги, 5-фасл “Раббул-мол ва музориб ўртасидаги ихтилоф”га бағишланган.

Китобнинг аввалида муаллиф музораба сўзининг маъноси ва музорабанинг жамият учун аҳамияти ҳақида тўхталган. Шундан сўнг унинг таърифини келтирган. Унга кўра, музораба шундай шерикчилик битимики, унда бир томон мол-сармоя билан, иккинчи томон иш-меҳнат билан иштирок этади [3:419]. Эътиборлиси, тадқиқот доирасида ўрганилган Ҳалвоний, Сарахсий ва Косонийнинг асарларида музорабанинг ушбу шаклдаги ихчам таърифи берилмаган эди. Бу ҳам “ал-Ҳидоя” асарининг ўзига хос услуби, яъни масалани ўқувчига лўнда ва ихчам қилиб баён этганини кўрсатади.

Китобдаги биринчи баҳсли масала сармояга оид. Асарда келтирилишича, агар раббул-мол музорибга “зиммангдаги мендан олган қарзинг билан музораба қил” деса, бу музораба тўғри бўлмайди. Бу имом Абу Ҳанифанинг фикри ҳисобланади. Имом Муҳаммад ва Абу Юсуфга кўра, бу музораба тўғри бўлади. Имом Абу Ҳанифа наздида бу шаклда вакил қилиш нотўғри бўлгани учун юқоридаги гапни айтган. У кишининг икки шогирдлари эса бу жараёни товар билан музораба қилишга ўхшатганликлари учун тўғри бўлади, дейишган [3:420].

Қоидага кўра, агар музораба фосид бўладиган бўлса, музорибга ажру мисл¹

¹ Ажру мисл-урфга кўра муайян ишни бажарган кишига тўланадиган ҳақ

берилиши керак. Кейинги баҳсли ҳолат ажру мисл миқдори ҳақида бўлиб, имом Абу Юсуф бу миқдор музорибга кўриладиган фойдадан шарт қилинган қийматдан ортиқ бўлмаслиги керак. Имом Муҳаммад эса бунга хилоф фикр айтган [3:421].

Муаллиф музорабанинг шартларини санаб асосида қуйидагиларни қайд этган:

- 1) фойда икки томон ўртасида тақсимланиши;
- 2) томонлардан бирортасига фойдадан мутлоқ миқдорда маблағ белгиланмаслиги;
- 3) сармоя музорибга топширилиши;
- 4) раббул-мол сармояни топширган сўнг унга тегмаслиги.

Охириги шартдан келиб чиққан ҳолда музорабада меҳнат фақат музорибдан бўлиши шарт.

Қиёслаш учун, мушорақада меҳнат иккала томондан бўлади, агар улардан бирортасига меҳнат қилиш шарт қилинса, шерикчилик тузилмаган бўлади.

“Бадоиъус саноеъ” асарида музорабага тегишли шартлар “ал-Ҳидоя”дагидан кўра кенгрок ёритилган, хусусан унда жами 7 та шарт келтирилган [4:14]. Шартлар 3 гуруҳга бўлинган:

- 1) музораба битимити тузувчи томонлар билан боғлиқ шарт (1 та);
- 2) сармоя билан боғлиқ шартлар (4 та);
- 3) фойда билан боғлиқ шартлар (2 та).

Бурҳониддин Марғинович музорабанинг мутлоқ турини амалга ошириш жараёнида раббул-мол музорибга “ўз раъйинг билан иш қилгин” деганда одатда тижоратчилар қиладиган барча ишларни қилишни назарда тутди, лекин қарз бериш бундан мустасно деган. Муаллифга кўра, қарз бериш тижоратчиларнинг ишидан эмас, у ихтиёрий иш бўлиб, у орқали шерикчиликнинг мақсади бўлган фойдага эришилмайди. Муаллифнинг бу ердаги фикрларидан иккита муҳим хулосани олиш мумкин:

- 1) музораба фаолияти бугунги кунда ислом молиясидаги муҳим замонавий воситаси сифатида тадбиркорлик жараёнини ифодалайди, ундан ҳар қандай маблағнинг шартнома иштирокчиларига реал фойда келтириши кўзланган бўлади;
- 2) қарз бериш орқали фойда топишга ислом иқтисодиётида тадбиркорлик фаолияти

сифатида қаралмайди, балки берилган қарзни устамаси билан қайтариб олиш таъқиқланган ҳолат ҳисобланади.

“Музорибнинг музораба қилиши” деб номланган бобда музориб молни иккинчи кишига музорабага бериш ҳолати баҳс қилинган. Ушбу ҳолат мутлоқ музораба таркибида амалга ошадиган фаолият ҳисобланади. Уламолар раббул-молнинг рухсатисиз биринчи музориб иккинчи музорибга сармояни берган пайтда унга молиявий жавобгар бўлиш масаласида ихтилофли фикрни айтган. Мазкур масаладаги турли фикрлилик “Бадоиъус саноеъ”да ҳам келтирилган. Имом Марғиноний унга қўшимча қилиб “агар фаолият натижасида фойда олинса, биринчи музорибда молиявий жавобгарлик пайдо бўлади, чунки бу ҳолатда музораба шерикчилиги амалда юзага келди” деб изоҳ берган [3:433]. Асарда ушбу ҳолатда икки музорибнинг қайси бири жавобгар бўлиши ҳақида имом Абу Ҳанифа ва у кишининг шогирдларлари ўртасида ҳам ихтилоф мавжудлиги қайд этилган. Юқорида айтилганидек, имом Абу Ҳанифа иккинчи музориб жавобгар бўлмайди, икки имомга кўра эса жавобгар бўлади. Муаллиф бу ихтилоф улар ўртасида вадийъа масаласидаги фикрлари турлича эканлиги билан боғлиқлигини айтган. Яна бир ривоятга кўра, раббул-молда қайси музорибни масъул қилиш ихтиёри бўлади, хоҳласа биринчисини, хоҳласа иккинчисини жавобгар қилади.

Мазкур боб сўнгида муаллиф раббул-мол музорибга иккинчи музораба қилишга рухсат этган ҳолатда фойда нисбатини белгилашда раббул-мол ва иккита музориб ўртасида бўладиган муносабатларни турли вазиятлар мисолида баён қилган.

Унга кўра, раббул-мол ва биринчи музориб ўртасида чиққан фойда тенг иккига (1/2) бўлиниши келишилган бўлса ва биринчи музориб иккинчи музорибга фойданинг учдан бири (1/3) берилиши келишилган бўлса, тақсимотда биринчи музорибга фойданинг отидан бири (1/6) тегади.

Иккинчи ҳолатда, раббул-мол ва биринчи музориб ўртасида чиққан фойда тенг иккига (1/2) бўлиниши келишилган бўлса ва биринчи музориб иккинчи музорибга фойданинг ярми (1/2)ни бериши келишилган бўлса, тақсимотда биринчи музорибга фойдадан ҳеч нарса тегмайди.

Учинчи ҳолатда, раббул-мол ва биринчи музориб ўртасида чиққан фойда тенг иккига (1/2) бўлиниши келишилган бўлса ва биринчи музориб иккинчи музорибга фойданинг учдан икки (2/3)ни бериши келишилган бўлса, тақсимотда биринчи музориб иккинчи музорибга фойданинг олтидан бири (1/6)га тенг миқдорида ўз шахсий бойлигидан беришга масъул бўлади [3:437].

Юқоридаги мисолларни таҳлили асосида куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

а) раббул-мол фойданинг ўзига тегишли қисмини ҳеч қандай ўзгаришсиз олади;

б) биринчи музориб фаолият якунида, гарчи лойиҳа фойда билан якунланган бўлса ҳам, ҳеч қандай фойдага эришмасдан, ҳаттоки зарар билан чиқиши мумкин;

в) биринчи музориб иккинчи музориб билан фойда нисбатини келишишда икки томонга ҳам фойдадан улуш бўладиган нисбатни танлаши зарур бўлади;

г) фикҳий китобларда ижтимоий масалаларни ёритишда аниқ фанлар, хусусан математика соҳаси бўйича билимлардан самарали фойдаланилганлиги фақиҳларнинг бу соҳада ҳам чуқур билимга эга эканлигини кўрсатади.

Математик мисолларни келтириш орқали масалани баён қилиш ҳолати Ҳалвоний, Сарахсий ва Косонийнинг асарларида ҳам қайд этилган. Мазкур ҳолат ҳам аجدодларимиз илмий меросининг кадр-қиммати нақадар юксак эканлигини ифодалайди.

“Музорабадан чиқиш ва фойдани тақсимлаш” деб номланган 2-фаслда агар раббул-мол ёки музориб вафот этадиган бўлса музораба бекор бўлиши, у ворисларга мерос бўлиб ўтмаслиги келтирилган. Шунингдек, раббул-мол музорибни музорабадан четлатиши мумкин. Бу ҳолатда, агар музориб ўзининг четлатилганлигини билмаса унинг музораба фаолиятидаги савдо-сотиқ бўйича амалиётлари жоиз бўлади, билган пайтида эса фаолиятни тўхтатиши керак бўлади. Лекин, четлатилганлигини билган пайтида сармоя товар шаклида бўлса уни сотиб нақд пул шаклига келтириши мумкин бўлади. Чунки фойдани тақсимлаш нақд пул бўлгандагина тўғри амалга ошади.

Ушбу фаслда музорабани якунлашда, киритилган сармояни раббул-молга қайтаришдан олдин фойдани тақсимлаш тўғри

бўлмаслиги айtilган [3:442]. Шунга кўра, музораба фаолияти фойда ёки зарар билан якунланганини жами маблағдан сармояни чегириб ташланганда билиш мумкин бўлади.

“Музориб бажарадиган ишлар” деб номланган фаслда музориб одатда тижоратчилар қиладиган ишларни қилиши мумкинлиги айtilган. Мисол сифатида нақд ва насияга савдо қилиш, миниш ва товарларни ташиш учун улов сотиб олиш, ҳавола услубини ишлатиш келтирилган. Шу ўринда муаллиф музориб берилган рухсатни суистеъмол қилмаслиги зарурлигини таъкидлаб, улов сотиб олиш деганда кема каби жуда қиммат, урфдан ташқари ҳашаматли воситаларни сотиб олиш ҳолатларига рухсат йўқлигини айтган. Музорабадаги бу чеклов масаласи бугунги кунда ҳам муҳим бўлиб, маблағларни самарасиз ишлатиш ҳолатларни олдини олишга қаратилган чора ҳисобланади.

Муаллиф бу фаслга тегишли масалаларни умумлаштириб музориб қиладиган ишларни қуйидаги 3 та турга ажратган: [3:445-446].

музораба битими тузилиши билан бажариши мумкин бўлган ишлар. Улар қаторига савдо-сотик учун вакил ёллаш, гаров талаб қилиш ва гаровга бериш, ижарага олиш ва бериш, товарни вадийъа сифатида қолдириш (الإيداع), товарни сотиб беришга ҳақ тўламаган ҳолда одам ёллаш (الإبضاع), сафар қилиш каби тижоратчиларнинг одатда бажарадиган ишлари қиритилган.

музораба битими тузилиши билан тўғридан-тўғри бажариши мумкин бўлмаган ишлар. Буларга фақатгина раббул-мол “ўз раъйинг билан ишлагин” деб рухсат берганда бажара оладиган ишлар киради. Мисол сифатида музориб сармояни бошқа қишига музорабага ёки мушоракага бериши, музораба молини ўзининг ёки бошқанинг молига аралаштириши келтирилган. Мазкур ишлар одатий тижорат ишлари ҳисобланмайди, лекин фойдали жиҳати бор бўлганлиги учун, раббул-молнинг рухсати бўлса амалга ошириш мумкин бўлади. Шунга кўра муаллиф, “ўз раъйинг билан ишлагин” ибораси рухсат маъносини ифодалашини айтган.

раббул-мол айнан рухсат бергандагина бажариши мумкин бўлган ишлар. Бу ишларни музораба битими тузилиши билан тўғридан-тўғри ҳам бажариш мумкин эмас ва раббул-мол

“ўз раъйинг билан ишлагин” деб рухсат берганда ҳам бажариш мумкин эмас. Имом Марғиноний бунга мисол сифатида қарз олишни айтган. Чунки бу каби ишлар музораба сармоясидан ортиқча харажатни ифодалайди ва раббул-молнинг зиммасидаги мажбуриятни оширади. Шунингдек, қарз олиш-бериш бўлгани учун - суфтажа² (السُّفْتَجَة) олиш ва бериш, тижорат иши бўлмагани учун - ҳақ эвазига қул озод қилиш битими (мукотаба), ихтиёрий ишлар бўлганлиги учун - қарз бериш, ҳиба қилиш, садақа бериш кабиларни ҳам фақатгина раббул-мол айнан айтсагина амалга ошириши мумкин бўлади.

Музориб бажарадиган ишлар доирасида қуйидаги масалада ихтилоф мавжудлиги келтирилган. Имом Марғиноний, агар музориб раббул-молга сармоядан муайян миқдордаги маблағни бериб, эвазсиз ишлаб беришга вакил қилса ва раббул-мол садо-сотик билан шуғулланса бу иш музораба фаолиятидан бўлади, деган [3:447].

Лекин, имом Зуфар ва имом Шофеъий бу ҳолатда музораба фосид бўлади, деган. Улар фикрларини асослаб, раббул-мол ўз маблағини ўзи тасарруф қиляпти, бу ишда вакиллик мумкин эмас, у гўёки берган сармоясини қайтариб олгандек бўлади, дейишган. Яъни, музорабанинг шартига кўра сармоя музорибга тўлиқ берилиши ва унда раббул-молнинг иштироки қолмаслиги (التَّخْلِيَة) керак эди.

Имом Марғиноний бу масалага фикр билдириб, “Бизга кўра, ишнинг бошида сармоя музорибга тўлиқ берилиши ва унда раббул-молнинг иштироки қолмаслиги (التَّخْلِيَة) шarti таъминланган, тасарруф қилиш ҳуқуқи музорибга ўтиб бўлган, раббул-мол тасарруфда музорибнинг вакили бўлиши тўғри бўлади, эвазсиз ишлаб бериш (الإبضاع) эса вакил бўлишдир, бу ерда сармояни қайтариб олиш йўқ, битимнинг бошиданок раббул-молнинг музораба фаолиятида меҳнат қилиши шарт қилинмаган бўлса бўлди”, деган.

Ушбу фаслда муаллиф музорибнинг сафарга чиққандаги харажатлари - таом, сув, кийим-кечак ва улови музораба маблағи ҳисобидан бўлишини айтиб, даволаниш харажатлари масаласидаги ихтилофни қайд этган. Муаллиф асарида Зоҳирур-ривоядан ривоят қилиб, музорибнинг даволаниш харажати ўз молидан

² Суфтажа-қарз олинганлиги ҳақидаги ҳужжат, бугунги кундаги қарз чекларига тўғри келади. Тадқиқодчи изоҳи.

бўлишини айтган. Лекин имом Абу Ҳанифа, бу харажат музорабадан бўлади, чунки музориб соғлигини тикламаса музораба ишини амалга ошира олмайди, деган. Зоҳирур-ривоядаги фикр эса, музорибга сафар чоғида олдиндан маълум бўлган харажатлар учун музораба молидан пул ажратиш мумкинлиги билан изоҳланган.

Муаллифга кўра, музораба фаолияти якунланмагунга қадар қилинган харажатлар фойда ҳисобидан деб қаралади, сармоядан эмас. Чунки, фаолият сўнггида қилинадиган биринчи иш сармояни раббул-молга қайтариш бўлади. Ундан кейин қолган пулни томонлар ўзаро келишилган нисбатда тақсимлаб олишади [3:450].

4-фасл номланмаган, унда муаллиф музораба жараёнидаги турли масалаларни тўплаб баён қилган [5:450].

Сўнгги 5-фасл “Раббул-мол ва музориб ўртасидаги ихтилоф”га бағишланган. Бунда раббул-мол ва музориб ўртасидаги сармоя ва фойданинг миқдори борасидаги ихтилофли масалалар келтирилган.

Хусусан, фаолият сўнггида агар музорибнинг қўлида икки минг (мисол учун “сўм”) бўлса ва у раббул-молга “менга минг сўм бергансан, қолган минг сўм фойда” деса, раббул-мол эса “сенга икки минг берганман”, деса музорибнинг гапи инобатга олинади, дейилган. Лекин имом Абу Ҳанифа ва имом Зуфар раббул-молнинг гапи инобатга олинади, чунки музориб (ўз манфаати юзасидан) фойдага шерик бўлишни даъво қиляпти, раббул-мол эса буни инкор қиляпти, бундай ҳолатда инкор этган тарафнинг гапи эътиборга олинади, деган. Шунингдек, бу масалада имом Муҳаммаднинг “ал-Жомеъ ас-сағир” китобидаги “ушлаб турилган маблағнинг миқдори бўйича ихтилофда, маблағ кимнинг қўлида бўлса ўшанинг гапи эътиборлидир, чунки у қўлидаги маблағнинг қанчалигини яхшироқ билади” деган гапни ҳам қайд этган [3:457].

Шунингдек, агар икки тараф фойда миқдори бўйича ихтилофга бориб қолса, раббул-молнинг гапи эътиборга олинади, чунки фойда нисбати шарт билан аниқ бўлади, дейилган.³ Бундан ташқари, ким (сармоя ёки фойданинг) келишилган деб ҳисобланган миқдордан ортиқчасини даъво қилиб унга ҳужжат тақдим этса, у инобатга олинини қайд этилган.

³ Шартни эса раббул-мол белгилайди.

Китобнинг сўнггида, агар томонлардан қайси бири ҳужжат келтиришда энг охирги вақтни ифодаладиган ҳужжатни тақдим қилса, шу ҳужжат устун қўйилади, чунки охирги келишилган шарт ундан олдинги шартни бекор қилади, дейилган. Бу фикр бугунги кундаги “охирги меъёрий ҳужжат ўзидан олдингисини кучдан қолдиради” мазмунидаги қоидага мос келади.

ХУЛОСА

Юқорида баён этилган тафсилотлардан куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

имом Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асарида ибодат масалалари билан бирга муомалот масалаларига ҳам катта ўрин ажратилган;

алломаларимиз, бугунги кун нутқани назаридан қараганда, ижтимоий фанлар билан бир қаторда аниқ фанлар бўйича ҳам етук илмга эга бўлишган;

асарда келтирилган музорабага оид масалалар жамиятдаги шерикчилик муносабатларини тартибга солишда ҳамда инсонлар орасида кенг тарқалган ушбу битимни амалга ошириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган низоли ҳолатларни олдини олишга, мавжудларига эса ечим топишга имкон беради;

музораба асосида тадбиркорлик фаолиятига киришувчи томонлар лойиҳа якунида фойдага эришиш учун битимдаги шартларни тўғри белгилашлари, томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши тушуниб олишлари ҳамда фойдани тақсимлаш нисбати, зарарни қоплаш ҳолатлари ҳақида етарлича билимга эга бўлишлари керак бўлади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. 2020. – Б. 101.
2. Бадриддин Айний. Ал-Биной шарҳул Ҳидоя. – Байрут: Дорул кутуб ал-илмий, 2000. – Ж. I. – Б. 5.
3. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. – Мадина: Дорус сирож, 2019. Ж. V. – Б. 419.
4. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний. Бадоиу-с-санои фи тартиби-ш-шарои. – Қоҳира: Мактабат дорул-ҳадис, 1426/2005. – Ж. 8. – Б. 14.
5. Абдулҳай Лакнавий. Ҳошия ли-л-Ҳидоя. – Карачи: Мактабатул Бушро, 2011. – Ж. VI. – Б. 201.